

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНГБАЕВА БАРНО УБАЙДУЛЛАЕВНА**

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КИТОБХОНЛИК**  
**ВОСИТАСИДА БАДИИЙ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИГА**  
**ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Мингбаева Барно Убайдуллаевна**

Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт  
намуналарига қизиқишни шакллантириш.....3

**Мингбаева Барно Убайдуллаевна**

Формирование интереса к образцам художественной литературы через  
чтение у учащихся начальных классов.....22

**Mingbayeva Barno Ubaydullayevna**

Formation of interest in examples of fiction through reading in primary school  
students.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНГБАЕВА БАРНО УБАЙДУЛЛАЕВНА**

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КИТОБХОНЛИК**  
**ВОСИТАСИДА БАДИИЙ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИГА**  
**ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2019.3.Phd/Ped1077 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Джураев Рисбой Хайдарович**  
педагогика фанлари доктори, академик

**Расмий оponentлар:**

**Хакимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Фарсаханова Дилафруз Ризахановна**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "7" 04 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел. (+99871) 276-79-11; факс (+99871) 276-80-86.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1487 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил "29" 03 кuni тарқатилди.  
(2022 йил "29" 03 даги 76 - рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

**Р.Р. Исянов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н.,  
доцент

**Н.А. Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш, уларнинг фаол китобхон бўлишига эришишда оила билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, китобхонлик соҳасида дастурий-лойиҳавий фаолиятни ривожлантириш ҳамда бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий-педагогик механизмлар амалиётга тақдим этилмоқда. Замонавий шароитда кутубхона-ахборот тармоқларини такомиллаштириш, гендер ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришнинг инновацион шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида ўқувчиларнинг билишга оид қизиқишларини шакллантириш, ўқитувчилар, ота-оналар ўзларининг китобга нисбатан ижобий муносабатларини намоён қилишлари ва болаларга ўрнатилган бўлиш стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш методикаларини лойиҳалаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиб, ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларда китоб билан ишлаш, бадиий асарларнинг мазмунини идрок этиш кўникмасини ривожлантириш, ҳамкорлик стратегияси талаблари асосида педагогларнинг инновацион фаолияти кўлами даражасини кенгайтириш, китобхонлик дақиқаларини ташкил эта олиш компетентлигини ривожлантириш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнги йилларда китобхонлик воситасида ўқувчиларда бадиий адабиётларга қизиқишни шакллантириш, ёшларнинг китобхонлик маданиятини оширишнинг устувор меъёрий асослари яратилмоқда. “Жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, бошланғич синф ўқувчиларида бадиий асарларни ўқишга нисбатан мотивацияни шакллантириш, ўқувчиларнинг муаллиф шахсига қизиқиш, бадиий асар мазмунини билишга ундаш стратегияларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатлари ва дидактик имкониятларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг гендер ва ёш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. Б. 39.

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билишга оид қизиқишларни шакллантиришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисида Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли Қарори “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада ўқувчиларда китобхонлик, китоб билан ишлаш, бадиий асарларнинг мазмунини идрок этиш кўникмасини ривожлантириш масалалари А.Ҳ.Абдулазизов, Б.И.Ғаниева, Қ.Йўлдошев, Э.Йўлдошев, С.И.Камбарова, М.М.Мирқосимова, О.М.Мусурмонова, Р.Х.Ниёзметова, И.Р.Рахимова, Н.Ш.Рўзикулова, Р.Г.Сафарова, О.А.Тўракулова, А.О.Умаров, Ш.Хасанов, Ш.К.Хўжамбердиева, Қ.П.Хусанбоева, С.А.Чиниева, С.Шермухамедова, Ё.Қаюмхўжаева, Д.Х.Қосимова, ларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

Бошланғич синф ўқувчиларида бадиий асарларни ўқишга нисбатан мотивацияни шакллантириш, бадиий асар мазмунини билишга ундаш муаммолари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан А.А.Абдуллина, А.А.Алексеева, Ш.А.Амонашвили, Л.И.Афанасьева, Г.Д.Боразнова, М.П.Воюшина, Т.Г.Галактионова, Е.Н.Гончарова, О.В.Джежелей, Т.Н.Каптан, Е.В.Карсалова, А.П.Кашкаров, П.Б.Кочетова, Н.И.Лифинцева, Л.В.Ниталимова, М.Н.Омороковаларнинг ишларида ёритилган.

Шу билан бир қаторда замонавий шароитда кутубхона-ахборот тармоқларини такомиллаштириш, гендер ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш масалалари хориж олимлари A.Burns, L.J.Dorn, S.Ehlers, G.Genette, J.Grzesik, K.M.Merga, E.Ortlieb, A.Perrin, G.Westhoff, H.Willenberg томонидан тадқиқ этилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетиде бажарилган “ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган. (2017-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини таҳлил этиш;

бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқиш жараёнининг педагогик-психологик жиҳатларини аниқлаш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш воситалари, шакл ва методларини белгилаш ҳамда педагогик жараён моделини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишнинг шаклланганлини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳар Сергили тумани 47-сонли, Тошкент шаҳар Сергили тумани 266-сонли, Тошкент вилояти Зангиота тумани 23-сонли, Қашқадарё вилояти Қарши тумани 33-сонли, Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги 21-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида 1357 нафар ўқувчи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари:** ижтимоий сўров, анкета, суҳбат, савол-жавоб, кузатиш, аналитик обзор, қиёсий-таққослаш, таҳлил, педагогик эксперимент, математик-статистикада ишлаш, умумлаштириш, график тасвирлаш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик маданияти бадиий адабиёт намуналарига интеллектуал-эстетик қизиқиш мотивациясини ошириш, ҳиссий тасаввурларни бадиий асарнинг мазмунини идрок этиш

орқали бойитиш, бунёдкор-репродуктив образли тафаккур юритишга гендер ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда йўналтириш орқали ривожлантирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиёт намуналарига қизиқиш мотивацияси воқеликни айнан идрок этиш, дискурсив-полемик вазиятлар, асарларни муҳокама этишда завқланиш, бадиий асарлар моҳиятини англаш ҳамда муваффақиятли вазиятларни яратишга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бадиий адабиётга қизиқиш мотивлари ўқишга қизиқишини шакллантириш даражасини аниқлашга қаратилган шахсинг ҳаётий, китобхонлик тажрибаси ҳамда муайян бадиий адабиётларга қизиқишнинг диагностик параметрларини ёш ва индивидуал хусусиятларга тадрижийлик принциплари бўйича мослаштириш орқали такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиётларга қизиқишни шакллантириш модели китоб билан мулоқотга киришиш, асар қахрамонларига баҳо бериш, миллий колоритни ҳис этиш, адабиёт намуналарининг муайян турига бўлган қизиқишлари доимийлигини мунтазам таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришнинг мазмуни, босқичлари аниқланган ҳамда йўллари ва педагогик-психологик имкониятлари белгиланган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш имконини берувчи самарали методлар, усулларини аниқлаш асосида бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш самарадорлигини аниқлашга оид экспериментал тадқиқот натижалари асосида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқитувчилари учун “Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш усуллари ва методлари” номли методик қўлланма педагогик амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқ этилаётган муаммога илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, тажриба-синов ишларига жалб этилган ўқувчилар сонининг талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов ишларининг статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг аниқ методлар ёрдамида текширилганлиги, тўпланган материалларнинг диссертация мазмунини



ёритишга имкон берадиган ҳажмда эканлиги, диссертация мазмунининг илмий журналларда чоп этилган мақолалар ҳамда илмий анжуманлардаги маърузалари орқали оммалаштирилганлиги ва маъқулланганлигида ўз аксини топган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш жараёни билан боғлиқ “китобхонлик”, “бадиий адабиёт намуналари”, “қизиқиш” тушунчаларининг илмий таърифлари шакллантирилганлиги; кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришга йўналтирилган машқ ва топшириқлар, педагогик технологияларнинг танланганлиги ва асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели ва амалга ошириш механизmidан бошланғич таълимда ўқитувчилар ўқув жараёнларини ташкил этиш, дарс ишланмалари яратиш ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланишлари мумкин.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш мавзусида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик маданияти бадиий адабиёт намуналарига интеллектуал-эстетик қизиқиш, ҳиссий тасаввурларини бойитиш, бунёдкор-репродуктив образли тафаккур юритишга йўналтириш асосида ривожлантиришга оид таклифлар ПЗ-2016-0912232947 рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида тарбиявий соатларни ўтказишни такомиллаштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 16 ноябрдаги 02-07-3599/04-сон далолатномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини кенгайтиришга эришилган;

бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиёт намуналарига қизиқиш мотивацияси дискурсив-полемиқ вазиятлар, асарларни муҳокама этишда завқланиш ҳамда ўзини-ўзи ривожлантириш муҳитини шакллантиришга устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда

фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 16 ноябрдаги 02-07-3599/04-сон далолатномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқиш жараёнининг педагогик-психологик жиҳатларини аниқлаш имкони оширилган;

бадиий адабиётга қизиқиш мотивлари бошланғич синф ўқувчиларида ўқишга қизиқишини шакллантириш даражасини аниқлашга қаратилган ривожлантирувчи диагностик параметрларни ёш ва индивидуал хусусиятларга мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 16 ноябрдаги 02-07-3599/04-сон далолатномаси). Натижада, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш воситалари, шакл ва методларини белгилаш ҳамда педагогик жараён моделини такомиллаштиришга эришилган;

бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиётларга қизиқишни шакллантириш модели китоб билан мулоқотга киришиш, асар қаҳрамонларига баҳо бериш, миллий колоритни ҳис этиш, адабиёт намуналарининг муайян турига бўлган қизиқишлари доимийлигини мунтазам таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ПЗ-2016-0912232947 рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида тарбиявий соатларни ўтказишни такомиллаштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 16 ноябрдаги 02-07-3599/04-сон далолатномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишнинг шаклланганлини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 илмий-услубий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола шундан 1 таси хорижий журналларда чоп қилинган

**Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий матни 125 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш – ижтимоий-педагогик зарурият сифатида асосланган ҳамда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришнинг педагогик-психологик йўналишлари таҳлил қилинган.

Ушбу муаммо билан кўплаб педагоглар ва адабиётшунос олимлар қизиққанлар. О.Розиқов, Б.Адилов, Қ.Йўлдошев, С.Матжонов, И.Рахимова, Ш.А.Амонашвили, А.Г.Асмолов, Е.А.Бутрименко, М.П.Воюшина, Т.Г.Галактионова, О.В.Джежелей, Н.Н.Светловскаялар ўқувчиларда бадиий адабиётга қизиқиш уйғотиш ҳақидаги ўз қарашларини баён қилганлар.

Китоб ва китобхонликка бўлган қизиқиш шахс фаолиятининг самарали кечишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам китобхонлик воситасида ўқувчиларда бадиий адабиётга нисбатан қизиқишни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчиларда бадиий адабиётга қизиқиш уйғотишда таълим жараёни асосий ўрин эгаллайди. Таълим жараёни олдида шахсни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш вазифаси қўйилган бугунги кунда ўқувчиларда китоблар ёрдамида бадиий адабиётга қизиқиш уйғотиш ижтимоий-педагогик заруриятга айланмоқда.

Китобхонликка бўлган қизиқиш – ўқувчиларнинг китобларда ифодаланган аждодлар тажрибасини ўрганиш ва ўз фаолиятида қўллашга бўлган интилишини ифодаловчи қизиқишдир. Бунинг учун ўқувчиларда ақлий ҳамда эмоционал фаоллик шаклланиши лозим. Ақлий ҳамда эмоционал фаоллик китобларда мақсадга йўналтирилган асосий компонент сифатида намоён бўлиб, ўқувчиларга ижтимоий тажрибани тақдим этишга хизмат қилади. Чунки китобларда ушбу тажриба сақланиб, аждодлардан авлодларга тақдим этилади. Шунга кўра, билишга асосланган қизиқишлар танловга асосланган қизиқиш бўлиб, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг интеллектуал соҳасини ривожлантиришга кўмаклашади. Қизиқиш ёрдамида ўқувчилар муайян соҳадаги билимларни ўзлаштиришга фаол киришадилар. Бунда уларга китоб яқиндан ёрдам беради.

Китобхонлик – бошланғич синф ўқувчиларига нимани ўргатиш ва қандай воситалар ёрдамида уларнинг бадиий адабиётга бўлган

қизиқишларини ривожлантиришни белгилаб берувчи педагогик ходиса ҳисобланади. Китобхонлик ёрдамида нафақат нутқий ва ақлий фаолият шакллантирилади, балки умумўқув характердаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг муайян мажмуи таркиб топтирилади.

Китобхонлик фаолияти ўзининг учта асосий компонентига эга: ўқувчиларнинг китобга онгли мурожаат қилиш мотивлари ва мақсадларини англашлари; китоблар олами ҳақида билимга эга бўлишлари; ўқилган китобнинг мазмунини ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда англашлари.

Биз куйида ўқувчиларда китобхонликка бўлган қизиқишнинг пасайишига олиб келган сабабларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз: ўқувчиларга оммавий ахборот воситаларининг кучли таъсир кўрсатаётганлиги, фан-техника тараққиёти, жумладан, турли гаджетларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг кўрсатаётган таъсири; аксарият оилаларда болаларнинг китоб ўқишига мутлақо эътибор қаратилмаётганлиги; ўқувчилар мактабга борганларидан кейин ота-оналарнинг уларга китоб ўқиб беришга оид фаолиятларининг сусайиши, бунга эҳтиёж мавжуд эмас, деган фикрнинг қарор топганлиги; ўқувчиларга тизимли равишда китобхонлик фаолиятини шакллантириш механизмларининг мавжуд эмаслиги.

Китобхоннинг шахсий қизиқишлари таркибида бир қанча бошланғич даражалар мавжуд: социологик: шахснинг ижтимоий-демографик маълумотлари, ижтимоий мавқеи ва ижтимоий нуқтаи назарлари; ижтимоий-психологик таркибий йўналишлари: шахснинг дунёқараши, эътиқодлари, идеаллари, қадриятли йўналишлари, эҳтиёжлари, мотивлари, қизиқишлари, установакалари; тажрибанинг ижтимоий-психологик-педагогик таркиби: шахснинг ҳаётий, китобхонлик тажрибаси, умумий касбий билимлари, умумий интеллектуал ва нутқий кўникмалари, малакалари, одатлари, китобхонлик мазмуни ва маданияти, коммуникатив маҳорати.

Ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқиш куйидагича бўлиши мумкин: ижобий ва салбий; ташқи ва ички; барқарор ва нобарқарор.

Бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқиш мезонлари сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: китобхонликка нисбатан ижобий ҳис-туйғуларга бой муносабат; ўқувчиларни фаол тарздаги билиш ва шахсий фаолиятга йўналтиришга асосланган китобхонлик фаолияти; мазкур йўналишларнинг барқарор характерга эгалиги.

Бошланғич синф ўқувчиларининг бадиий адабиёт намуналарига қизиқишларининг юқори даражасига эришиш куйидагиларда намоён бўлади: китобхонлик фаолиятига нисбатан ижобий муносабат; муайян бадиий асарларга қизиқиш; китобхонлик жараёнини кенгайтириш ва унга ўқувчиларни жалб этиш; китоб билан мулоқот жараёнидаги қониқиш хиссини синфдошлари, ўқитувчилари ва ота-оналари билан бўлишиш кабилар.

Бадиий асарларнинг ўқувчилар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши, катталар, жумладан, ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан англантилади.

Улар ривожланган сари бадий асарларнинг аҳамиятини чуқурроқ англай бошлайдилар. Шундагина бадий асарлар ўқувчилар фаолияти ва қизиқишнинг асосий манбайига айланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган бўлиб, унда бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришнинг мазмуни ва дидактик хусусиятлари баён қилинган. Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш усуллари ва методлари таҳлил қилинган.

Бадий адабиёт намуналарига бўлган қизиқиш ўқувчиларда дарс ва дарсдан ташқари педагогик жараёнларда тизимли тарзда шакллантирилади. Бунда қуйидаги тадбирлар алоҳида аҳамията эга: суҳбатлар, синф соатлари, кутубхоналарга саёҳатлар, китобхонлик кечалари, мусобақалар, танловлар шулар жумласидан.

Бошланғич синф ўқувчиларида бадий асар намуналарига нисбатан қизиқишни шакллантиришда турли ўйинлар алоҳида аҳамият касб этади. Буни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчилар китобхонлик билан боғлиқ турли викториналар, мусобақалар ва эстафеталарни ташкил этишлари, муайян асарлар доирасида суҳбатлар ўтказишлари лозим. Бадий асарларга асосланган сахна кўринишлари ўқувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Бунда ўқитувчилар эртақлар, дostonлардан олинган парчалардан унумли фойдаланишлари лозим. Ўқувчиларда бадий адабиёт намуналарига нисбатан қизиқишни шакллантириш йўллари: муваффақият вазиятларини яратиш; ўқувчиларнинг эмоцияларига таъсир кўрсатиш методлари; ўқитишнинг ўйинга асосланган методлари; муаммоли вазиятлар методи; лойиха фаолияти; тарихий материаллардан фойдаланиш; фан, техника, технологияларнинг ютуқлари билан таништириш; ахборот технологияларидан фойдаланиш кабилар.

Педагоглар томонидан ўқувчиларда бадий адабиёт намуналарига қизиқиш уйғотиш мотивларининг муайян гуруҳи ажратиб кўрсатилган: ўқув материалининг мазмуни (янги ўқув материалларининг ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши, илгари ўзлаштирилган билимлар билан ўзаро алоқадорлиги таъминланганлиги, ўзида назарий-амалий қадриятларни мужассамлаштириши); ўқув фаолиятини ташкил этиш (ўқиш дарсларида турли шаклдаги ўқув топшириқларини қўллаш, улар: индивидуал, гуруҳли, мустақил, ижодий, амалий иш турлари); ўқув жараёнидаги мулоқот (ўқувчи-ўқувчи; ўқитувчи-ўқувчи).

Юқоридагилар асосида таъкидлаш лозимки, ўқувчиларнинг бадий адабиёт намуналарига қизиқишлари билиш қизиқишлари сифатида, биринчи навбатда, ўқув жараёнида шаклланади.

Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда бадий асар намуналарига қизиқишни шакллантиришда муайян иш турларидан

фойдаланилади: матнни яхлит тарзда ўқиш; матнларни қисмларга бўлиб, режа тузган ҳолда ўқиш; матнни тайёр режа асосида ўқиш; бадиий асар матни ёки унинг муайян қисмини саҳналаштирган ҳолда ўрганиш; муайян топшириққа асосланган ҳолда танлаб ўқиш; шахсларга бўлиб ўқиш; овоз чиқариб ўқиш; матнни қисқартириб ўқиш; гаплардан келиб чиққан ҳолда занжирсимон ўқиш; абзацларга бўлиб ўқиш; расмга таянган ҳолда ўзаро мос келадиган қисмларни излаш асосида ўқиш; саволларга жавоб бўладиган қисмларни излаш мақсадида ўқиш; матндаги хулосаларни излаб топишга асосланган ўқиш; ўқиш ёрдамида сабаб-оқибат боғланишларини топишга асосланган китобхонлик; муаллиф сўздан ташқари диалогли матнларни ролларга бўлиб ўқиш; муайян қоидалар асосида сўзларни ким тезроқ излаб топиш машқини бажарган ҳолда ўқиш; матндаги энг узун сўзни топиш мақсадида ўқиш; икки, уч, тўрт мураккаб сўзни излаб топиш машқини бажариш мақсадида ўқиш; тушунарсиз сўзларга белги қўйилган ҳолда ўқиш кабилар.

Бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиётга қизиқиш уйғотишда эртақлар алоҳида ўрин эгаллайди. Эртақлар ўқувчиларни билимлар ва маданият оламига олиб киради. Эртақлар ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитиб, халқнинг тарихий тажрибаси, ҳаёт тарзи, қаҳромона курашлари билан таништиради. Ҳар бир боланинг ҳаёти ва тараққиётида эртақлар муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга: ўқувчиларни мактаб таълимининг дастлабки кунларидан бошлаб бадиий асарларни ўқишга жалб қилиш; ўқувчилар учун рангли расмларга бой, мазмундор бадиий асарларни танлаш; ўқувчилар билан тизимли тарзда китобхонлик машғулотларини ўтказиш ва ўқилганларни муҳокама қилиш; синфдаги барча ўқувчилар орасида ҳар бир ўқувчининг мустақил ўқиган китобларини муҳокама қилиш вазиятларини ташкил этиш; ўқувчиларга улар ўқиган бадиий асарларнинг муаллифлари ҳақида сўзлаб бериш; ўқувчилар билан улар илгари ўқиган китоблар муҳокамасини ўтказиш ва матннинг мазмунини қай даражада тушуниб етганликларини аниқловчи саволлар бериш; ўқувчиларнинг китобдан олган таассуротларини сўзлаб беришлари учун шароит яратиш; синфдаги ўқувчилар орасида ўқилган асарлари асосида бахс-мунозара вазиятларини ташкил этиш; ҳар бир ўқувчи ўзи қизиққан асарларини тўплаши ва шахсий кутубхонасини ташкил этиши учун зарур маслаҳатлар бериш; ўқувчилар ўз қизиқишлари доирасида китоблар ва журналларни танлашлари учун шароит яратиш; синфдаги ўқувчиларнинг бадиий асар намуналарига бўлган қизиқишларини аниқлаш ва мунтазам рағбатлантириш; дарсда у ёки бу асарни ролларга бўлиб ўқиш вазиятларини ташкил этиш; ўқувчиларнинг қизиқишлари доирасида ўқиган бадиий асарларини мунтазам аниқлаб бориш ва уларга зарур маслаҳатлар бериш; ўқувчиларга дастлаб кичик-кичик ҳикояларни ўқишни тавсия этиш ва бадиий адабиёт намуналарига алоҳида қизиқиш шаклландандан кейин ёш ва ривожланиш

хусусиятларига мос тарзда асарлар ўқишга оид кўрсатмалар бериш; ўқувчиларда ўзлари ўқиган бадиий асардан завқланиш ва қониқиш ҳосил қилиш хиссини шакллантириш кабилар.

Ўқитувчи ўқувчиларда қизиқишни шакллантиргандан кейин қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим: китоб ўқиш учун мос вақт ва сокин ўрин танлаш; ўқувчига сўзларни ўқиш қийинчилик туғдирганда унга кўмаклашиш; бадиий асарни ўқиш жараёнида ўқувчиларни рағбатлантириш; ўқилган асарларни тез-тез муҳокама қилиш; ўқувчилар билан кундалик тузиб, улар севган асарларнинг рўйхатини шакллантириш кабилар.

Китобхонликни ривожлантиришда электрон маданиятнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топмоқда: ўқувчиларнинг бадиий адабиёт намуналарини алоҳида қизиқиш билан ўқишларини қўллаб-қувватлаш; ўқувчиларда бадиий нутқнинг ривожланиши ва мумтоз асарлар тилини англаш кўникмасининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратиш; таълим муассасаларида бадиий адабиёт намуналарини ўқиш ҳамда ахборот маданиятини шакллантириш имкониятларини кенгайтириш; ўқитувчиларнинг ўқувчиларни бадиий адабиёт намуналарини ўқишга қизиқтириш соҳасидаги халқаро тажрибаларни ўзлаштиришларига шароит яратиш ва уни қўллаб-қувватлаш. Жумладан, педагогларнинг кичик тадқиқотлар ўтказишлари, анжуманларда иштирок эттишлари, муаллифлик дастурларини тузишлари, турли ёндашувлар ва методикаларни ўрганишлари учун шароит яратиш.

Ўқувчиларда бадиий асар намуналарига нисбатан қизиқишни шакллантиришда адабий ўйинлар ва адабий кечалар муҳим ўрин тутади. Бадиий ўйинларни қуйидагича тизимлаштириш мумкин: ўқувчиларда нутқни ривожлантиришга йўналтирилган ўйинлар ва машқлар; бадиий бошқотирмалар; бадиий викториналар; муайян услубга асосланган ўйинлар.

## 1-жадвал

### Бошланғич синф ўқувчиларининг бадиий адабиёт намуналарига қизиқишларини шакллантиришга оид методлари

Бошланғич синф ўқувчиларининг бадиий адабиёт намуналарига қизиқишларини шакллантиришга оид педагогик жараённинг ташкил этиш методлари	Бошланғич синф ўқувчиларининг бадиий адабиётга қизиқишларини йўналтириш методлари
Ўрганиш Машқлантириш Намойиш этиш Тақлид қилиш Бахс-мунозара Сухбат Ўйин	Баҳолаш Ўзаро баҳолаш Мақташ Рағбатлантириш Мусобақалаш

Ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига нисбатан қизиқишни шакллантириш билан боғлиқ вазифаларнинг муваффақиятли ечимини

таъминлашда қуйидаги методлар мажмуидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бошланғич синф ўқувчиларининг бадиий адабиёт намуналарига қизиқишларини шакллантиришга оид методлари 1-жадвалда ифодаланган (1-жадвал):

Мактаб амалиётида ўқиш дарслари ва дарсдан ташқари жараёнларда ўқувчиларни бадиий асар намуналарига қизиқтиришда қуйидаги иш шакллари билан фойдаланиш мумкин:

Бахс-мунозара – бу ўқилган бадиий асар билан боғлиқ ҳолда ўқувчилар жамоаси орасида муайян масалаларни муҳокама қилишни англатади. У ўқувчиларда бадиий асар юзасидан умумий фикрни шакллантиришга хизмат қилади. Бахс-мунозарани бахс билан адаштириш мумкин эмас. Ҳар қандай бахснинг асосини тўғри ечимни топиш ташкил этади. Умумий ҳукмни ифодаламайди.

Сухбат – синфдан ташқари ишларни ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчилардан оғзаки шаклда бадиий асарга оид маълумотлар олади. Бунда у ўқувчиларни муайян мавзудаги бадиий асарга оид мулоқотга йўналтиради. Сухбат ўқитиш ва тарбиялашнинг асосий усули ва методларидан биридир. Сухбатни турли шаклларда амалга ошириш мумкин: тайёрловчи, маълумот берувчи, эвристик, қайта тикловчи, такрорловчи, умумлаштирувчи кабилар. Бундай иш турларини ўқиш дарслари ва синфдан ташқари ўқиш соатларида ташкил этиш мумкин.

Китобхонлар беллашуви – бу бадиий асар устида ишлаш усули ҳисобланади. Ушбу жараёнда ўқувчилар ўзлари қизиққан асарни такдимот қиладилар. Хайъат аъзолари эса ғолибни аниқлайди.

Кроссворд – ўз-ўзини текшириб кўриш, ўз билимини аниқлаш шакли ҳисобланади.

Викторина эса, муайян асар асосида тузилган саволларга жавоб беришдан иборат педагогик жараён ҳисобланади.

Театрлаштирилган фестиваль ҳам ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур мақсадга йўналтирилган жараён бир нечта босқичлардан иборат: репертуарни танлаш, ёзувчининг ижодий фаолиятини ўрганиш, асарнинг сахна тарихи билан танишиш, ижрочиларни танлаш.


Китобхонлик соатларида ўқувчилар ҳам ўқитувчилар ҳам мактабга ўқув дастурига киритилмаган бадиий асарларни олиб келадилар. Уларга муайян вақт ажратиб берилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи қизиққан бадиий асарни тинч, қулай вазиятда мустақил ўқийди.

Бошланғич синф ўқитувчилари маданият муассасалари билан ҳамкорлик асосида ўқувчиларда бадиий асар намуналарига қизиқиш уйғотишда қуйидаги иш турларидан фойдаланиш мумкин:

Кутубхона соатлари – бунда ўқувчилар мустақил тарзда ўз олдларига қўйилган муаммо устида ишлайдилар. Мазкур жараёнда ўқувчилар бадиий асар намуналари, луғатлар, энциклопедиялар билан ишлайдилар ва мустақил тарзда кутубхона фаолияти билан танишадилар.

Музейга экскурсия – бунда муайян асар муаллифлари ва бадиий асарлар кўргазмаларида ўқувчиларнинг иштироки назарда тутилади.





1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели

Бадий ижод хоналари – ўқувчиларда бадий асар намуналарига қизиқишни шакллантиришга йўналтирилган синфдан ташқари педагогик тадбирларни мужассамлаштиради. Уларда қуйидаги ижодий фаолият шакллари амалга оширилади: ижодий: адабий байрамлар, кечалар учун сценарийларни мустақил ёзиш; ижодий гуруҳларда ишлаш; ўйин: театр томошаларида иштирок этиш, ўз роли устида мустақил ишлаш; ахборот: ёзувчи, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот тўплаш, уни таҳлил қилиш ва далилларни умумлаштириш.

Тадқиқот давомида бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели такомиллаштирилди. Ушбу модель мотивацион-мақсадли, дидактик ёндашувлар, технологик жараёнлар ва баҳолаш компонентларидан иборат (1-расм).

Диссертациянинг учинчи боби **“Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришнинг самарадорлик даражаси”** деб номланган бўлиб, унда бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларни ташкил этиш методикаси ва олинган натижалар таҳлили келтирилган.

Бошланғич синф ўқувчиларида бадий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш йўналишида тажриба-синов ишлари республикамизнинг 3 та худудидаги умумтаълим мактабларида 3 босқичда ташкил этдик: таъкидловчи, шакллантирувчи ва якуний босқич.

Ўқувчиларнинг бадий адабиёт намуналарига бўлган қизиқишларини 3 даражага ажратдик:

Юқори даража – ўқувчилар фольклор ва болалар адабиёти намуналарини алоҳида қизиқиш билан ўқишга интиладилар, ўқиган асарларининг асосий мазмун-моҳиятини бир-бирларига сўзлаб берадилар, асар қаҳрамонларининг ижобий сифатларини қадрлайдилар, салбий жиҳатларидан нафратланадилар. Янгидан-янги асарларни ўқишга ҳаракат қиладилар, мактаб кутубхонасига мунтазам қатнайдилар, оилада китобларга нисбатан ижобий муносабатларини намоён этадилар, ота-оналари билан ўқиган китоблари билан мулоқот қиладилар.

